

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЙИМОВ АВАЗ РУСТАМОВИЧ

**МАЙНАНИНГ ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМДА ТАРҚАЛИШИ,
ЭКОЛОГИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Райимов Аваз Рустамович

Майнанинг Жануби-Ғарбий Қизилқумда тарқалиши, экологияси ва аҳамияти..... 3

Райимов Аваз Рустамович

Распространение, экология и значение майны Юго-Западного Кызылкума..... 21

Raimov Avaz Rustamovich

The distribution, ecology and significance of *Acridotheres tristis* in south-western Kyzylkum..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЙИМОВ АВАЗ РУСТАМОВИЧ

**МАЙНАНИНГ ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМДА ТАРҚАЛИШИ,
ЭКОЛОГИЯСИ ВА АҲАМИЯТИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/В 245рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.zoology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холбоев Фахриддин Раҳмонкулович,
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Эшова Холиса Саидовна,
биология фанлари доктори, доцент

Аметов Якуб Идрисович,
биология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети.

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «8» январь куни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (99871) 289-04-65, факс (99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 24 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Тел.: (99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «20» декабрь куни тарқатилди.
(2019 йил «20» декабрдаги № 25 рақамли реестр баённомаси)



Д.А. Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик

Г.С. Мирзасва
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б. Шакарбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қўшидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида кузатилаётган глобал экологик муаммолар, хусусан, антропоген омиллар табиатга, жумладан, қушларнинг тарқалиши ва биоэкологик хусусиятларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бу эса, зарарли турлар тарқалиш ареалининг кенгайишига, уларнинг маданий ландшафтларда кўп сонда учрашига ҳамда уй ҳайвонлари, паррандалар билан протокооперация ва комменсализм шаклидаги муносабатларининг фаоллашувига олиб келмоқда. Шунга кўра, қушларнинг, жумладан, майнанинг урбаландшафтларда яшаш учун мослашишига нисбатан хатти-ҳаракатларида содир бўлаётган ўзгаришларни ўрганиш, синантроп турларда кечаётган эволюцион жараёнлар ва қонуниятларни аниқлаш ва асослашда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда кенг тарқалган, кўп сонда учровчи, табиатда ва халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган синантроп турларни ҳар томонлама ўрганиш орқали уларнинг сонини бошқариш ҳамда улардан инсон манфаатлари йўлида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бугунги кунда инсоният хўжалик фаолиятининг тури ва кўламининг кенгайиши ҳамда атроф-муҳитга бўлган таъсир даражасининг ошиши урбанизациялашган ландшафтларда экологик барқарорликни ва қушларнинг турлар хилма-хиллигини сақлашни тақозо этмоқда. Бу борада, охириги йилларда қушларнинг биозарарланишдаги иштирокини камайтириш мақсадида айрим қуш турларни сонини бошқариш ва зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш учун фойдали турларни жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, Жануби-Ғарбий Қизилқум шароитида майнанинг (*Acridotheres tristis* Linnaeus, 1776) тарқалиши, экологияси ва аҳамиятини асослаш майна ва шу каби кўп сонда учровчи синантроп қуш турларининг биоценозда тутган ўрнини баҳолаш, уларнинг эволюциясида содир бўлаётган ўзгаришларнинг йўналишларини аниқлаш ва улар сонини бошқаришнинг самарали чора тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда табиатни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва биоресурслардан оқилона фойдаланиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, ҳудуд орнитофаунасининг трансформациясига, алоҳида қуш турларининг ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг табиатдаги ва инсоннинг хўжалик фаолиятидаги аҳамиятини асослаш ҳамда баҳолашга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...атроф-табiiй муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш» каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Жануби-Ғарбий Қизилқумда майнанинг тарқалиши, сони, озуқа спектри, адаптив реакциялари ва биоэкологик хусусиятларини аниқлаш, унинг табиатда ҳамда халқ хўжалигидаги аҳамиятини баҳолаш, биозарарланишлардаги иштирокини камайтириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги 408-сон “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Майна каби кенг тарқалган, синантроп айниқса, табиатда ҳамда халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган алоҳида турларнинг биологияси ва экологиясига доир илмий тадқиқотлар хорижлик олимлар J.Aubry (1962), S.Strawinski (1963), W.Erz (1966), R.Thearle (1968), E.Bolen (1977), C.Crabb, L.Martin (1978), R.Dolbeer, A.Stickley, P.Woronecki (1979), R.Eden (1985) томонидан ўрганилган.

МДХ давлатларида майнанинг Марказий Осиё бўйлаб тарқалиши ҳамда антропоген ландшафтларда, айниқса, шаҳарларда кенг тарқалган турларнинг экологияси, аҳамияти ва уларнинг хатти-ҳаракатини бошқариш масалалари Г.П.Дементьев (1953), Д.В.Владышевский (1965), Г.А.Носков (1983), В.Д.Ильичев (1988), К.Н.Благосклонов (1991), В.П.Белик (2015), Н.Н.Березовиков (2015), А.Ф.Ковшарь (2015) ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда майнани ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқотлар унинг республикамиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишига бағишланган. Кейинчалик эса Д.Ю.Кашкаров (1974), А.К.Сагитов, С.Б.Бакаев (1980), Э.Ш.Шерназаров (1995), А.Р.Жабборов (1998), Е.Н.Лановенко (2008), Г.М.Ишунин (2016) ва бошқалар томонидан унинг ареалини кенгайтириш йўналишлари, кўпайиш биологияси ҳамда экологиясига доир айрим тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқотлар ҳозирги вақтда Жануби-Ғарбий Қизилқумда майнанинг экологик ва этологик хусусиятлари ва аҳамияти бўйича етарли маълумотларни бера олмайди. Шу нуқтаи назардан,

майнанинг Жануби-Ғарбий Қизилқумда турли биотоплар кесимида тарқалишини, сонини, озуқа спектрини аниқлаш ва таҳлил қилиш ҳамда унинг биотик муносабатлардаги иштирокини, табиатда ва инсон хўжалигидаги ролини баҳолаш, биозарарланишдаги иштирокини камайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети Биология кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистоннинг чўл зонаси ҳайвонот дунёсининг фаунаси, экологияси ва барқарор фойдаланилиши” (2011-2018) ва ИТД-7-39 “Бухоро вилояти ҳудудида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кадастрини юритиш” (2015-2017) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жануби-Ғарбий Қизилқумда майнанинг тарқалиши, экологияси ва аҳамиятини аниқлаш ҳамда унинг сонини бошқариш, биозарарланишдаги иштирокини камайтириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жануби-Ғарбий Қизилқумда майнанинг тарқалиш омилларини аниқлаш;
майнанинг турли яшаш муҳитларидаги сонини ва унинг мавсумий ўзгарувчанлигини изоҳлаш;

турли биотопларда майнанинг озуқа спектрини аниқлаш ва йил мавсумларига боғлиқ ҳолда унинг ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш;

майнанинг кўпайиш ва қишлаш давридаги экологик ҳамда этологик хусусиятларини аниқлаш;

майнанинг синантропизацияланишида адаптив реакцияларнинг ўрни ва аҳамиятини баҳолаш;

майнанинг табиатда ва халқ хўжалигидаги аҳамиятини баҳолаш;

майнанинг биотик муносабатлардаги ва биозарарланишдаги иштирокини очиб бериш ҳамда унинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Жануби-Ғарбий Қизилқумдаги турли яшаш муҳитларида учровчи майналар ва уларнинг популяциялари олинган.

Тадқиқот предмети *Acridotheres tristis* нинг Жануби-Ғарбий Қизилқумнинг турли яшаш муҳитларида тарқалиши, сони, озуқа спектри, кўпайиши, қишлашини аниқлаш, табиатдаги ва хўжаликдаги аҳамиятини, баҳолаш ҳамда биозарарланишдаги иштирокини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик, экологик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Жануби-Ғарбий Қизилқумда майнанинг турли яшаш муҳитлари (аҳоли турар жойлари, агроценозлар, табиий ландшафтдаги антропоген

элементлар) бўйлаб тарқалиши ва уни белгиловчи омиллар аниқланган; воҳадаги маданий ландшафтларда майнанинг сони ва унинг мавсумий динамикаси аниқланган;

турли яшаш муҳитлари ва йил фасллари кесимида майнанинг озуқа спектри аниқланган ҳамда унинг мавсумий ўзгарувчанлиги очиб берилган;

илк бор локал воҳаларда майнанинг кўпайиш ва қишлаш давридаги экологик ҳамда этологик хусусиятлари асосланган;

майнанинг синантропизацияланишида адаптив реакцияларнинг ўрни ва аҳамияти баҳоланган;

майнанинг биоценотик муносабатлардаги ва биозарарланишдаги иштироки, табиатда ва халқ хўжалигидаги аҳамияти аниқланган ҳамда унинг сонини бошқариш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

майнанинг биозарарланиш жараёнларидаги иштирокини камайтириш, сонини бошқариш, ҳайвонларнинг ҳисоби ва кадастрини юритиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган ;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган классик ва замонавий тадқиқот усуллари, олинган натижаларнинг нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги, халқаро ва республика доирасидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, натижаларнинг замонавий статистик дастурлар асосида таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти Жануби-Ғарбий Қизилқумда майнанинг ҳудудий тарқалиши, сони, озуқа спектри, кўпайиш ва қишлаш давридаги экологик ва этологик хусусиятлари аниқланганлиги, унинг табиатда ва халқ хўжалигидаги аҳамияти, биоценотик муносабатларда ва биозарарланишдаги иштирокининг назарий асослари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалардан майналарнинг сонини бошқариш, урбанизациялашган ландшафтларда синантроп қуш турларининг биологик мониторингини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилиши, майнанинг биозарарланишдаги иштирокини камайтириш бўйича тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Майнанинг Жануби-Ғарбий Қизилқумда тарқалиши, экологияси ва аҳамиятини тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар асосида:

майнанинг биозарарланишдаги иштирокини камайтириш мақсадида унинг сонини бошқариш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар, Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар спорт бирлашмасининг Бухоро вилоят ҳудудий бўлими амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон овчилар ва балиқчилар спорт бирлашмасининг 2019 йил 28 январдаги 20-сон

маълумотномаси). Натижада майнанинг сонини бошқаришда унга билвосита таъсир қилиш усуллари қўллаш (озуқа ресурсларидан маҳрум қилиш, уя қуриши учун ноқулайлик яратиш) орқали майнанинг сонини камайитириш имконини берган;

Ўзбекистоннинг чўл зонасида майнанинг ҳисобини ва кадастрини юритиш, унинг салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда улар сонини бошқариш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 7 февралдаги 03-02/3-642-сон маълумотномаси). Натижада майнанинг ҳисобини ва кадастрини юритиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, шунингдек, 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Майнанинг тарқалиши ва экологиясини ўрганилиш тарихи”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг табиий шароитлари, майнанинг Ўзбекистонда ўрганилганлик даражаси ва майнанинг тарқалишига доир тадқиқотларнинг замонавий талқини тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Хорижий мамлакатларда ва Ўзбекистонда майнани ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, Жануби-Ғарбий Қизилқумда майнанинг биоэкологик хусусиятлари, этологияси, озиқа спектри, аҳамиятига бағишланган кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмаган. Фрагментар хусусиятга эга бўлган материаллар майнанинг чўл экотизимларидаги биоценозларда тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш учун етарли эмас.

Майнанинг тарқалишига оид мавжуд материаллар ва шахсий изланишлар натижасида ушбу инвазив турнинг Ўзбекистонда ва қўшни давлатларда табиий тарқалишдан ташқари антропохория ҳодисаси, айниқса, инсоннинг хўжалик фаолияти устунлик қилганлиги асосланган. Майнанинг Жануби-Ғарбий Қизилқумда спородик тарқалиши ва муайян стацияда учраш муддати унинг ҳаётий цикллари, энг аввало, кўпайишини таъминловчи омилларнинг миқдори ва сифати билан боғлиқ.

Диссертация ишининг иккинчи бобида **“Майнанинг экологиясини ўрганиш услублари ва материали”** келтирилган. Тадқиқот материаллари 2010-2018 йиллар давомида Жануби-Ғарбий Қизилқумдаги майнанинг хилма-хил ва турли даражада урбанизациялашган яшаш муҳитларидан (аҳоли турар жойлари, агроценозлар, табиий ландшафтдаги антропоген элементлар) йиғилган (1 - расм).



1 - расм. Тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг харитаси


Материаллар умум қабул қилинган зоологик, экологик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда йиғилди ва қайта ишланди (Новиков, 1953; Наумов, 1965; Луговой, 1974; Коли, 1979; Песенко, 1982; Челинцев, 1985). Майнанинг сонини аниқлаш бўйича ўтказилган ҳисоблар сони 1153 тани, босиб ўтилган масофа 528 км.ни ташкил этди. “Офат сигналларини” ёзиб олиш ва уларни майналар йиғиладиган жойларда акустик репеллент сифатида трансляция қилишда A8-7 MODEL: F600 ва TASCAM DR-05 аппаратуралари қўлланилди. Ўлчовларни аниқлаш ва сонини ҳисобга олиш бўйича йиғилган материалларни статистик таҳлил қилишда Microsoft Office Excel 2013 дастуридан фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Жануби-Ғарбий Қизилқумда майнанинг тарқалиши, сони ва уларни белгиловчи омиллар”** деб номланган учинчи бобида майнанинг турли яшаш муҳитларида (табиий ландшафтлардаги антропоген элементлар, агроценозлар, қишлоқлар, шаҳарлар, саноат ишлаб чиқариш объектлари, маиший чиқиндиҳоналар, истироҳат боғлари ва ҳиёбонлар) тарқалиши, сони ва уларни белгиловчи омиллар аниқланди (1-жадвал, 2-расм)

Майнанинг асосий яшаш мухитларида ўртача сони ва унинг йиллик динамикаси (2012–2018й.)

Яшаш муҳитлари			Ойлар, майнанинг ўртача сони (10 га. ҳисобида)												Ўртача йил- лик сони(10га. ҳисобида)
			I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
Табиий ландшафтдаги антропоген элементлар		M ±m	5 ± 0,3	6 ± 0,33	8 ± 0,44	7 ± 0,5	9 ± 0,78	6 ± 0,67	3 ± 0,67	3 ± 0,83	4 ± 0,88	3 ± 0,5	5 ± 0,9	4 ± 0,63	5,2 ± 0,65
		Cv%	1,5	2	3,5	3,5	7	4	2	2,5	3,5	1,5	4,5	2,5	3,42
Агроценозлар	Вўза даласи	M±m	3± 0,33	2± 0,75	7 ± 0,64	12 ± 0,79	14 ± 0,61	17 ± 0,44	24± 0,29	18 ± 0,72	16± 0,47	14 ± 0,57	6 ± 0,25	3 ± 0,5	11,3± 0,78
		Cv%	1	1,5	4,5	9,5	8,5	7,5	7	13	7,5	8	1,5	1,5	8,88
	Кузги бугдой даласи	M ±m	5± 0,7	3 ± 0,67	4 ± 0,25	6 ± 0,67	11± 0,64	22 ± 0,57	15± 0,5	12 ± 0,54	14 ± 0,64	12 ± 0,5	8 ± 0,94	7± 0,64	9,9± 0,76
		Cv%	3,5	2	1	4	7	12,5	7,5	6,5	9	6	7,5	4,5	7,53
	Беда даласи	M ±m	7± 0,5	11 ± 0,68	16 ± 0,47	28 ± 0,52	37 ± 0,53	32 ± 0,88	29 ± 0,38	24 ± 0,54	18 ± 0,25	15 ± 0,47	12 ± 0,54	9 ± 0,61	19,8± 0,68
		Cv%	3,5	7,5	7,5	14,5	19,5	28	11	13	4,5	7	6,5	5,5	13,47
	Мевали боғлар ва тоқзорлар	M ±m	5± 0,4	8 ± 0,5	14 ± 0,43	17 ± 0,44	11 ± 0,32	7 ± 0,64	13 ± 0,65	16 ± 0,22	21 ± 0,26	18 ± 0,25	10 ± 0,35	4 ± 0,75	12,0± 0,55
		Cv%	2	4	6	7,5	3,5	4,5	8,5	3,5	5,5	4,5	3,5	3	6,54
Қишлоқлар		M ±m	27± 0,43	34 ± 0,35	42 ± 0,49	49 ± 0,48	54 ± 0,51	68 ± 0,29	74 ± 0,38	82 ± 0,49	60 ± 0,48	56 ± 0,44	43 ± 0,13	30 ± 0,37	51.6± 0,49
		Cv%	11,5	12	20,5	23,5	27,5	20	28	40	29	24,5	5,5	11	25,38
Шаҳарлар		M ±m	30± 0,5	26± 0,79	21 ± 0,29	35 ± 0,7	40 ± 0,34	49± 0,38	32 ± 0,53	27 ± 0,33	18 ± 0,28	21 ± 0,29	24 ± 0,73	33 ± 0,2	29,7± 0,50
		Cv%	15	20,5	6	24,5	13,5	18,5	17	9	5	6	17,5	6,5	14,93
Саноат ишлаб чиқариш объектлари		M ±m	96± 0,4	114± 0,43	82 ± 0,2	73 ± 0,47	58 ± 0,54	64 ± 0,48	68 ± 0,51	80 ± 0,54	97 ± 0,09	80 ± 0,35	86 ± 0,27	92 ± 0,17	82,5± 0,38
		Cv%	38,5	49	16,5	34	31,5	31	35	43	8,5	28	23,5	15,5	31,15
Маиший чиқиндиҳоналар		M ±m	1308± 0,35	1140± 0,46	980± 0,72	824± 0,51	562± 0,46	371± 0,47	246± 0,76	289± 0,56	360± 0,39	491± 0,5	705 ± 0,36	1273± 0,69	712,4± 0,67
		Cv%	456	520	705	421,5	258,5	175	188	160,5	140	246,5	255,5	876	480,69
Истироҳат боғлари ва хиёбонлар		M ±m	17± 0,44	24 ± 0,35	32 ± 0,86	37 ± 0,2	40 ± 0,48	47 ± 0,53	44 ± 0,4	39 ± 0,55	36 ± 0,6	34 ± 0,51	28 ± 0,27	20 ± 0,33	33,2± 0,52
		Cv%	7,5	8,5	27,5	7,5	19	25	17,5	21,5	21,5	17,5	7,5	6,5	17,25

Cv% – Вариация коэффиценти. M±m – ўртача катталиқ ва унинг хатолиги. (n=4)



2-расм. Майнанинг турли яшаш муҳитларидаги зичлиги

Шаҳарлар, туман марказлари ва улар эгаллаган майдонда жойлашган турли стациялар (саноат ишлаб чиқариш объектлари, маиший чиқиндихоналар ва бошқ.) ҳамда қишлоқлар майнанинг яшаши учун энг қулай бўлиб, бу ерларда унинг сонини белгиловчи омилларнинг аҳамияти 9-10 балли ташкил этди (2-жадвал). Аксинча, агроценозлар, табиий ландшафтлардаги антропоген элементларда мазкур омилларнинг ҳиссаси жуда паст (2,3-3,6 балл) ва бу ҳолат қайд этилган яшаш муҳитларининг майна ҳаётида мавсумий аҳамият касб этиши билан асослантирилади. Кўпчилик турларнинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган антропоген зўриқиш омил сифатида майналар учун деярли аҳамиятга эга эмас. Уларни шаҳарлар ва туман марказлари каби антропоген зўриқиш кучли бўлган муҳитларда нисбатан кўп сонда учраши бунга далил бўла олади.

2-жадвал

Қизилқум регионидаги асосий биотопларнинг майна ҳаётидаги аҳамиятини баҳолаш (балл ҳисобида)

Биотоплар	Майнанинг тарқалиш ва сонини белгиловчи омилларнинг биотопдаги иштироки (балл ҳисобида)			Омилларнинг биотопдаги аҳамияти (балл ҳисобида)
	озуқа ресурслари	уя қуриш жойлари	тунаш жойлари	
Шаҳарлар, туман марказлари ва уларда жойлашган турли стациялар	10	10	10	10
Қишлоқлар	8	10	9	9
Агроценозлар	5	2	4	3.6
Табиий ландшафтдаги антропоген элементлар	2	3	2	2.3

Жадвалдан кўриниб турибдики, муайян яшаш муҳитида омилнинг оптимал даражада бўлиши, ушбу муҳитнинг майна ҳаётидаги ўрнини баҳолаш имконини беради. Яшаш муҳитларини бу усулда баҳолаш амалиётда майнанинг сонини бошқариш йўналишидаги тавсияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, тегишли омилнинг майна ҳаётидаги оптимал даражасини минималлаштириш ёки аксинча минимални оптималлаштириш йўналишидаги амалий чора-тадбирлар унинг сонини камайтиришга ёки кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Шу асосда келажакда майна сонини бошқаришда (шаҳарларда унинг сонини камайтириш, агроценозларга жалб қилиш) ушбу амалиётдан кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Диссертациянинг “**Майнанинг экологик ва этологик хусусиятлари**” деб номланган тўртинчи бобида Жануби-Ғарбий Қизилқумда майнанинг озуқа спектри, кўпайиш ва қишлаш давридаги экологик ва этологик хусусиятлари ва майнанинг синатропизацияланишида адаптив реакцияларнинг ўрнини ўрганиш натижалари келтирилган.

Майнанинг тана, ошқозон ва ошқозонидаги озуқа вазнлари йил фасллари, озикланиш стацияси, ҳаётий цикли ҳамда озуқа объектига эришиш имкониятларига боғлиқ ҳолда ўзгарувчан хусусиятга эгаллиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Баҳор ва қиш мавсумида майнанинг тана, ошқозон ва ошқозондаги озуқа вазнлари

Ойлар	Тана вазни (г)			Ошқозон вазни (г)			Ошқозондаги озуқа вазни (г)		
	min	max	ўртача	min	max	ўртача	min	max	ўртача
Март (n=23)	81	107	95,3±0,1 Cv% 9,1	3,0	6,2	4,9±0,17 Cv% 0,85	1,8	5,0	2,7±0,36 Cv% 0,96
Апрель (n=34)	94	121	109,7±0,06 Cv% 6,67	3,7	8,0	5,7±0,2 Cv% 1,11	2,5	5,7	4,3±0,22 Cv% 0,93
Май (n=24)	105	153	138±0,11 Cv% 15,18	4,9	9,0	7,0±0,17 Cv% 1,16	3,5	5,5	5,0±0,08 Cv% 0,41
Декабрь (n=20)	106	151	137,7±0,09 Cv% 11,82	4,4	8,9	6,7 ±0,21 Cv%1,4	2,5	5,9	4,2±0,24 Cv% 1
Январь (n=32)	87	154	122,6±0,13 Cv% 16,39	4,9	8,2	6,1±0,2 Cv%1,21	1,9	5,7	3,5±0,23 Cv% 1
Февраль (n=18)	84	129	106,6±0,11 Cv% 11,32	3,5	7,0	5,8±0,21 Cv%1,21	1,5	5,2	3,0±0,23 Cv% 1

Ушбу кўрсаткичларнинг миқдори баҳор фаслида март ойидан май ойига томон ортиб борди. Умумий тана вазнининг ортиши ошқозон ва унинг таркибидаги озуқа миқдорининг ортишига пропорционал бўлиб, тана вазнининг март ойига нисбатан май ойида ўртача ортиши 44,8% ни, мос

равишда ошқозон вазни 42,8%, ошқозондаги озуқа вазни эса 85% ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичларнинг ортиши майнанинг қишлаш давридан кўпайиш даврига ўтиши, баҳорда озуқа миқдори ва сифатининг кўпайиши, озиқланиш вақтининг чўзилиши каби омиллар билан тушунтириш мумкин.

Қиш фаслида ушбу кўрсаткичлар декабрь ойидан февраль ойига қадар камайиб бориши кузатилди. Декабрда майнанинг ўртача тана вазни нисбатан юқори (137,7 г.), февралда эса паст (106,6 г.) кўрсаткични ташкил этади. Шундай тенденция унинг ошқозони ва ундаги озуқанинг умумий вазнида ҳам кузатилди. Декабрь ойига нисбатан февраль ойида тана вазнининг ўртача камайиши 22,6% ни, мос равишда ошқозон вазни 13,4%, ошқозондаги озуқа вазни эса 28,6% ни ташкил этди. Ўрганилган кўрсаткичларнинг камайиш хусусияти иқлим билан боғлиқ ҳолда организмда модда алмашинувининг жадаллашуви ҳамда озуқа ресурсларининг нисбатан камлиги билан асослантирилади.

Майнанинг озуқа спектри озиқланиш стацияси ва озуқа объектининг миқдорига кўра, йил давомида ўзгариб туриши аниқланди. Баҳор мавсумида турли агроценозларда озиқланувчи майналарнинг озуқа спектрида 55 турдаги (43 тур хайвон (78%), 12 тур ўсимлик (22%)), мос равишда ёзда 50 турдаги (37 тур хайвон (74%), 13 тур ўсимлик, 26%), кузда 55 турдаги (31 тур хайвон (56%), 24 тур ўсимлик (44%)), қиш мавсумида 30 турдаги (озуқаларнинг барчаси ўсимликларга хос) озуқаларнинг учраши аниқланди. Қиш мавсумида шаҳар ва туман марказларида яшовчи майналар 28 турдаги озуқалар билан озиқланади (маданий ўсимлик уруғлари 15 тур (54%), мевалар ва овқат қолдиқлари 13 та (46%)). Маданий ландшафтлардаги антропоген элементлардан шаҳарлар ва туман марказларига томон йўналишда озуқа спектри таркибида антропоген келиб чиқишга эга бўлган озуқа қолдиқларининг учраш частотаси, сифати ва миқдори ортади. Майна озуқа спектрининг таҳлили унинг Жануби-Ғарбий Қизилқум учун полифаг турлигидан далолат беради. Шу асосда унинг табиатда ва халқ хўжалигидаги аҳамиятининг айрим жиҳатларини баҳолаш мумкин.

Тадқиқот ўтказилган ҳудудда майналарнинг жуфлашиш апрель ойида кузатилди, аммо кўпайиш жараёнининг бошланиши об-ҳаво шароитларига боғлиқ ҳолда маълум даражада силжиши кузатилди. Ўрганилган уяларининг (n=178) 92 таси (51,7%) турли иншоотлар ва қрилмаларга, 49 таси (27,5%) дарахтларнинг ковакларига, 28 таси (15,7%) турли қушларнинг уяларига, 9 таси (5,0%) қўрғонлар ковагига қурилганлиги қайд этилди.

Энг эрта тухум қўйилган майна уяси 23.III.2010 й., энг кечгиси 14.VII.2017 й. қайд этилди. Топилган уяларда энг кўпи билан 6 тагача тухум (19.V.2017й.) ва 6 тагача жўжа (15.V.2017й.) борлиги, тухумлар сони ўртача 4,86 тани, жўжалар сони 3,08 тани ташкил этиши аниқланди (3 ва 4 - расмлар).



3-расм. Майнанинг зағизғон уясига қўйган тухумлари

Тухумларнинг морфометрик ўлчамлари уядаги тухумлар сонига боғлиқ, яъни кўп тухумли уяга нисбатан кам тухумли уяларда тухум ўлчамлари каттароқ, аммо турли кўпайиш циклларида тухумларнинг ўлчамлари деярли ўзгармайди (4-жадвал).

4-жадвал

Майна тухумларининг морфометрик кўрсаткичлари (n=69)

Т/р	Ўлчамлар	min.	max.	M±m	Cv%
1	Тухум узунлиги мм	27,0	33,0	30,42±0,053	1,61
2	Тухум кенглиги мм	20,0	24,0	21,42±0,029	0,62
3	Шакл индекси	1,26	1,58	1,42±0,044	0,63
4	Тухум вазни г	6,0	9,20	7,45±0,08	0,6



4-расм. Тухумдан жўжаларнинг очиб чиқиши

Ўрганилган уяларда тухум босиш давомийлиги 15-16 кунни, тухумлар вазнининг бошланғич вазнига нисбатан камайиши 0,9-1,2 гр.ни, тухумдан чиққан жўжалар вазни 5,0-6,3 гр.ни, тана узунлиги 47-49 мм, цевкаси узунлиги 6 мм, тумшугининг узунлиги 2,4 мм. ни ташкил этди. Майна жўжасининг вазни у уяда яшаган даврида 6 граммдан 85-92 гр.гача етиши аниқланди ва улар тухумдан чиққанига 22-25 сутка бўлганида уяни тарк этиши кузатилди. Кўпайиш самарадорлиги 61,7 % ни ташкил этди. Бунда тухумларнинг нобуд бўлиши 17,3 % ни, жўжаларнинг нобуд бўлиши 31 % ни ташкил этди.


Кўпайиш даврида майна популяциясида ёки айрим жуфтларда қуйидаги экологик ва этологик хусусиятлар шаклланганлиги қайд этилди: кўпайиш циклининг чўзилганлиги, уя қуриш жойини доимий равишда ҳимоя қилиш, “гуруҳ эффекти”, “алдамчи ёки чалғитувчи ҳимояланиш”, уя қуриш жойи ва уя материалининг уя қуриш стациясига боғлиқлиги, бошқа турларнинг уясини эгаллаш.

Қиш мавсумида майнанинг хатти-ҳаракатларида қуйидаги ўзгаришлар кузатилади: маиший чиқиндихоналарда жамоа ҳолида йиғилиш ва озиқланиш, озуқа спектрида антропоген келиб чиқишга эга бўлган маҳсулотлар сифати ва миқдорининг ошиши, қаттиқ совуқда биноларнинг ички қисмларидан бошпана сифатида фойдаланиш, тунги галаларнинг шаклланиши, озиқланишга йўналтирилган кунлик кўчишлар, полифагликнинг устунлик қилиши. Мосланишга йўналтирилган мазкур адаптив реакцияларнинг мукамаллашуви майнанинг яшаб қолишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Майнанинг табиатдаги ўрни ва хўжалик аҳамияти”** деб номланган бешинчи бобида майнанинг биоценотик муносабатлардаги иштироки, биозарарланишдаги иштироки, аҳамияти ва унинг сонини бошқариш йўллари тўғрисида маълумот келтирилган. Майнанинг тарқалиш ареалининг кенглиги, кўп сонда учраши, аҳамияти ва бошқа айрим экологик хусусиятлари унинг хилма-хил ва мураккаб биоценотик муносабатлардаги иштироки билан изоҳланади (5-6-расм). Майнанинг уй ҳайвонлари ва паррандалар билан муносабатда бўлиши протокооперация ва комменсализм кўринишида намоён бўлади. Мазкур муносабатлар майнанинг синантропизацияланишида ва чўл зонасига чуқур кириб боришида муҳим аҳамиятга эга. Комменсализм типидagi биотик муносабатларнинг барча кўринишлари (ижарачилик, ҳамтавоқлик, сиғиндихўрлик) майна учун фойдали ҳисобланади. Рақобат шаклидаги биотик муносабатлар (тур ичидаги ва турлараро) майнанинг табиатдаги аҳамиятини баҳолаш учун асос бўлади. Майнада ўлжага эришишга йўналтирилган айрим тажовускорлик хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги аниқланди ва бу ҳолат унинг яшаш учун кураш ва табиий танланишда муваффақиятга эришишида асосий ўрин эгаллайди.



5-расм. Майнанинг протокооперация ва комменсализм типдаги муносабатларда иштироки



6-расм. Майнанинг йиртқичлик ва рақобат типдаги муносабатларда иштироки

Тадқиқот ўтказилган ҳудудда майнанинг амалий аҳамияти хилма-хил бўлиб, у бир қатор омиллар (табiiй шароит, хўжалик фаолиятининг тури, йил мавсумлари) билан боғлиқ.

Жануби-Ғарбий Қизилқумда майна асосан, кўп сонда учровчи ҳашаротхўр тур саналади ва шу асосда, уни мазкур ҳудуд учун фойдали тур сифатида таърифлаш мумкин. Бунини дастлаб майнанинг кенг тарқалишида сабаб бўлган зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш учун иқлимлаштирилганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Майнанинг биозарарланиш жараёнларидаги иштирокини камайтиришда унга билвосита усуллардан (озик ва уя қуриш жойларидан маҳрум қилиш, тунаш жойларига йиғилишининг олдини олиш) фойдаланишга асосланган таъсир кўрсатувчи чора-тадбирлар самарали саналади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ободонлаштириш фаолиятларини юритишда майнани экологик омил сифатида ҳисобга олиш зарур.

ХУЛОСАЛАР

“Майнанинг Жануби-Ғарбий Қизилқумда тарқалиши, экологияси ва аҳамияти” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Жануби-Ғарбий Қизилқумда майнанинг тарқалиши, сони ва унинг мавсумий динамикаси абиотик ва биотик омилларга, айниқса яшаш муҳитининг урбанизацияланиш даражасига, майнанинг рақобатбардошлиги, экологик қайишқоқлиги, полифаг ва эврибионтлик хусусиятларининг ривожланганлигига боғлиқлиги аниқланди.

2. Майнанинг ўртача йиллик сони табiiй ландшафтлардаги антропоген элементлардан кучли урбанизациялашган яшаш муҳитларига, шаҳарларга томон ошиб боради ва табiiй ландшафтдаги антропоген элементларда (чорвачилик, ўрмончилик, овчилик ва сув хўжаликларига тегишли турли иншоотлар) майнанинг ўртача йиллик сони 10 га.да 5,2 тани (3-9), мос равишда агроценозларда (ғўза, кузги буғдой, беда, мевали боғ ва тоқзорлар) 13,2 (2-29) тани, қишлоқ аҳоли турар жойларида, 51,6 (27-82) тани, шаҳарларда (саноат ишлаб чиқариш объектлари, маиший чиқиндихоналар, истироҳат боғлари билан бирга) 214,2 (17-1308) тани ташкил этди.

3. Майнанинг озуқа спектри йил мавсумлари ва яшаш стациясига боғлиқ ҳолда ўзгарувчан бўлади: баҳор мавсумида турли агроценозларда озиқланувчи майналар 55 турдаги (43 тур ҳайвон (78%), 12 тур ўсимлик (22%)), ёзда 50 турдаги (37 тур ҳайвон (74%), 13 тур ўсимлик, 26%), кузда 55 турдаги (31 тур ҳайвон (56%), 24 тур ўсимлик (44%)), қиш мавсумида эса фақат 30 турдаги ўсимликларга хос озуқалар билан озиқланади. Қиш мавсумида шаҳар ва туман марказларида яшовчи майналарнинг озуқа спектрида 28 турдаги озуқаларнинг учраши қайд этилди, шундан 15 тури (53%) маданий ўсимликнинг уруғлари, 13 тури (47%) мевалар ва овқат қолдиқлари ҳиссасига тўғри келиши аниқланди.

4. Кўпайиш ва қишлаш даврида майнанинг хатти-ҳаракатида кузатилган адаптив мосланишлар унинг яшаш учун курашда бир қатор устунликларга эга бўлишига ва аҳамияти билан боғлиқ айрим муаммоларнинг шаклланишига сабаб бўлиши билан изоҳланди.

5. Майнанинг одамлар ва ҳаракатланувчи объектларга мослашишига, рақибини жамоа ҳолида таъқиб қилишига, яшаш ҳамда уя қуриш учун қулай жойни эгаллашига, маҳаллий характердаги кунлик мавсумий кўчишларни амалга оширишига қаратилган адаптив реакциялари унинг синантропизацияланишида муҳим аҳамиятга эгалиги аниқланди.

6. Майна симбиоз ва антибиоз шаклидаги турли биоценотик муносабатларда (протокооперация, комменсализм, рақобат ва йиртқичлик) фаол иштирок этади ва мазкур муносабатлар унинг озуқага бўлган эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга, антисанитария ҳолатини шаклланишига ва айрим касалликларни тарқатишдаги иштирокининг кенгайишига сабаб ҳам бўлиши келтирилган.

7. Майнанинг аҳамияти хўжалик фаолиятининг турига ва яшаш муҳитининг урбанизацияланиш даражасига боғлиқ ҳолда ўзгарувчанлиги билан изоҳланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.B.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАЙИМОВ АВАЗ РУСТАМОВИЧ

**РАСПРОСТРАНЕНИЕ, ЭКОЛОГИЯ И ЗНАЧЕНИЕ МАЙНЫ
ЮГО-ЗАПАДНОГО КЫЗЫЛКУМА**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/B245.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.zoology.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель:

Холбоев Фахриддин Рахмонкулович
доктор биологических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Эшова Холиса Саидовна
доктор биологических наук, доцент

Аметов Якуб Идрисович
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится «8» января 2020 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.B.52.01 при Институте зоологии и Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232^б, Зал заседаний Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс: (99871) 289-10-60; E-mail: zoology@academy.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за № 24). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, 232^б. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «20» декабря 2019 года.
(реестр протокола рассылки № 25 от «20» декабря 2019 года)




Д.А.Азимов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор, академик


Г.С.Мирзаева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник


Э.Б.Шакарбоев
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Введение (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобальные экологические проблемы, особенно антропогенные факторы, наблюдаемые в мировом масштабе, действуют на природу, в том числе и на распространение и биоэкологические особенности птиц. Это привело, к расширению ареала распространения вредных видов, которые становятся многочисленными в культурных ландшафтах, а также активизируются их взаимосвязи с домашними животными и птицами в форме протокооперации и комменсализма. В связи с этим, изучение изменений происходящих в поведении птиц, в том числе майны к приспособлению своего существования в урбандиафтах, выявление и обоснование эволюционных процессов и закономерностей проявляющихся у синантропных видов, имеет важное научно-практическое значение.

В мире особое внимание уделяется регулированию численности видов и их использование на благо человечества путем всестороннего изучения синантропных видов, имеющих широкое распространение и высокую численность, представляющих важное значение в природе и хозяйстве. Расширение видов и масштаба хозяйственной деятельности человека, а также увеличения уровня их воздействия на окружающую среду и требуют сохранения экологической устойчивости урбанизированных ландшафтов и видового разнообразия птиц. В последние годы особое внимание уделяется регулированию численности некоторых видов птиц в целях снижения их участия в биоповреждениях и привлечению полезных видов для биологической борьбы против вредных насекомых. В связи с этим, исследования по распространению, экологии и значению майны (*Acridotheres tristis*, Linnaeus, 1776) в условиях Юго-Западного Кызылкума имеет научно-практическое значение для оценки места положения майны подобно другим многочисленным синантропным видам птиц в биоценозе, выявление направления изменений происходящих в их эволюции и разработке эффективных мер регулирования их численности.

В республике особое внимание уделяется охране природы, сохранению биоразнообразия и рационального использования биоресурсов. В этом отношении особый интерес направлен на изучение трансформации орнитофауны отдельных видов, исходя из особенностей определенного региона, обоснование и оценка их значения в природе и хозяйственной деятельности человека. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены задачи «предотвращение экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды, здоровью и генофонду населения». Исходя из этих задач, важное научно-практическое значение приобретают вопросы выявления распространения, определения численности, пищевого спектра, адаптивных реакций и биоэкологических

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «...О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». –УП – № 4947 от 7 февраля 2017 года.

особенностей майны, оценка ее значения в природе и народном хозяйстве, разработка практических рекомендаций по снижению участия в биоповреждениях.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан от 19 сентября 2016 года № 408 “Об охране и использовании животного мира”, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 ноября 2018 года № 914 “О ведении государственного учета, объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира”, Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, связанных с решениями проблем в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

